

«ТАСЛИКЛАЙМАН»

Сурхондарё вилояти тери-таносил  
диспансери

Бош врач  К.Э.Хакимов

2022 йил

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун  
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Термз шаҳар-2022 йил**

## Танлов ҳужжатларининг мазмуни

- I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нарх қисми

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

#### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

- 1.1. Танлов предмети: Сурхондарё вилояти Тери таносил диспансери учун зарур булган тиббиёт журналлари ва тиббиёт бланкалари тайерлаб бериш.
- 1.2. Танлов киймати – 25 000 000 (Йигирма беш миллион) сум кушимча киймат солиги ҳисобланмаган ҳолда (без учета НДС). Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.
- 1.3. Махсулот буйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов яқунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

- 1.4. Ишларни бажариш муддати: Голиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.
- 1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблаги утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда и шва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилдаи: Танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи микдориддаги айланма маблағларининг ёки курсатиб утилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисида маълумотлар; танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50 фоиздан кам булмаган ҳолда);

Низом маблағи микдори.

Молиявий натижалар

Ишчи ходимларнинг иш стажи ва махсус лицензияга эга эканлиги

- 3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда

иштирок этиш учун белгиланган тартибда мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок-этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий карамлиги мавжудлар;

#### **4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон курунишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштиришлари лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «Буюртмачи» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3.Танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

Техник кисм, «Буюртмачи» томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган и шва хизматлар курсатилиши керак;

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варагини мухрлаб тасдиқланган холда такдим этишлари лозим.

4.4.Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник хужжатлар руйхати (брашюралар, техник паспортлар ёки шунга ухшаш хужжатлар руйхатлар илова килинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;

-такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хаконийлигига тулик жавобгар булади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

#### **5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини Яна 5-календар кунга узайтириш мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги карор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1.Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голи иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир;

6.3.Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси Билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **7.БОШКА ШАРТЛАР**

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан

камида уч кун олдин карор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда Ушбу танловда таклифлар бериши тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу Билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган бўлса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби Билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, Ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи Билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.